

# Ishonch

2019 йил 5 январь • шанба • № 3 (4132)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 январь куни жорий йил 1 январдан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби лавозимини бажаришга киришган Владимир Норовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси вакилининг шундай юқори ва масъулиятли лавозимга – ШХТ Бош котиблигига тасдиқлаштириш тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Биринчи марта Ўзбекистон фуқароси халқаро ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланди.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти очиқ ва конструктив мулоқот учун самарали майдон, кўп қиррали ҳамкорликнинг таъсирчан механизми, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омиллиги айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига юқори баҳо берди. ШХТнинг асосий ҳужжатларида мустақамлаб кўйилганидек, мамлакатлар суверенитети, ҳудудий ахлтиги ва давлат chegarалари дахлсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, тенглик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш каби тамойиллар бу борада асосий ўрин тутиши қайд этилди.

Ўтган давр мобайнида кўп томонлама ҳамкорликка доир салмоқли шартномавий-ҳуқуқий база шакллантирилди, ШХТнинг 30 га яқин ишчи органи муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хорижий давлатлар ва халқаро тузилмаларнинг мазкур нуфузли ташкилот билан ше-

риклик муносабатларини йўлга қўйишга қизиқиши тобора ортиб бораётир.

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигига алоҳида эътибор қаратди.

Хавфсизликни таъминлаш, савдо, иқтисодий, инвестиция, транспорт коммуникациялари, туризм, қишлоқ хўжалиги ва минтақалараро ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш келгусидаги устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Мамлакатимизда ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази таъсис этилди. Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» туризм халқаро университети ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон ташаббусига мувофиқ Циндао саммити якунида ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати ҳамда уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

Учрашув сўнггида давлатимиз раҳбари В.Норовга ШХТ Бош котибидек масъулиятли лавозимда омад ва муваффақиятлар тилади.

ЎЗА

Янги йил арафасида Қашқадарё вилоятида 20 та оила уй-жойли бўлди. Жумладан, Қамаш туманида истиқомат қилаётган 3 та эҳтиёжманд оиллага намунавий лойиҳа асосида қурилган, барча қулайликларга эга 4 хонали уйлар жиҳозланган ҳолда топширилди.



– Ҳалигача туш кўраётгандекман, – дейди Қамаш тумани «Қамаш» қишлоқ фуқаролар йиғини Эшмат қишлоғида яшовчи Раҳима Бектошева. – Икки ўғлим билан олам, акамларниқанда яшаб юрган эдик. Президентимиз ғамхўрлиги билан мана уйли бўлдим. Аллоҳга шукр, янги йилни ўз уйимда кутиб олиш насиб қилди.

Тумандаги Жонбуз қишлоғида яшаб келган Фавзия момо Абушаева



ЎЗА

## Янги йил қувончлари



ЎЗА суратлари.

## Бир умрга татигулик лаҳзалар

ва Ўртадара қишлоғида истиқомат қилаётган I гуруҳ ногирони Бекмурод Азимов ҳам янги йилни шундай тўхфа билан кўтиб олди.

Янги уйлар калитларини Қашқадарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов топширди.

Шунингдек, байрам арафасида Шаҳрисабз туманида яшовчи боқучисини йўқотган, II гуруҳ ногирони Кумри Бўқиева икки нафар фарзанди

билан шаҳар марказидаги уч хонали уйга кўчиб ўтди.

– Ёшим 104 да, – деди Кумри опанинг бувиси Ширин момо-Зокирова. – Бугун неварам ва чевараларим янги уйга кўчиб ўтишди. Уларнинг шодлигидан гўё бутун олам нурга тўлгандек. Кумрихонга янги уй совға қилган муҳтарам Президентимиз ҳақиқа дуолар қилаямиз.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## 2019 ЙИЛДА

РАҚАМЛАРДА АКС ЭТАЎТГАН ИСТИҚБОЛ

Турмуш шароити оғир бўлган **1 МИНГ 600 НАФАР ХОТИН-ҚИЗНИ** имтиёзли кредитлар асосида арзон **УЙ-ЖОЙЛАР** билан **ТАЪМИНЛАШ** кўзда тутилган

## Владимир НОРОВ:

### Кўп қиррали ҳамкорлик ШХТ фаолиятида янги имкониятлар очади

ШХТ Бош котиби Владимир Норов масъулиятли лавозимдаги фаолияти, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада мустақамлаш борасида амалга оширилажак ишлар ҳақида ЎЗА мухбирига интервью берди:

– Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда билдирилган тақдирлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби сифатидаги фаолиятим учун жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари мен Ўзбекистоннинг ШХТда нуфузли ташкилотнинг масъулиятли лавозимига тайинланган биринчи вакили эканимни алоҳида таъкидлади. Бу ишонч менга Циндаодаги саммитда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам билдирилди. Келгусида ўз билим ва тажрибамни бу ишонччи оқлашга, аъзо давлатлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратаман.

Бош котиб сифатида ШХТ аъзоларига, ташкилот Хартиясига ва Шанхай руҳига риоя қилиш, аъзо давлатлар ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган концептуал ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш фаолиятимнинг асосий тамойилига айланади.

2018 йилдан Ҳиндистон ва Покистон ШХТда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок эта бошлади. Ушбу давлатларга қабул қилинган ҳужжатлар ва ШХТнинг 30 га яқин ишчи органи фаолиятига қўшилишга кўмаклашиш Котибиятнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Чунки янги аъзолар Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузини янада оширишда катта роль ўйнайди.

ЎЗА мухбири  
Матназар ЭЛМУРОДОВ  
ёзиб олди.

## Хоразм вилояти

### Ҳам саёҳат, ҳам тажриба

Тавлим, фан ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан ташкил қилинган тармоқда фаолият кўрсатаётган 550 нафар касба аъзоларининг Ичан қалъага саёҳати таассуротларга бой бўлди.



Хива темир йўл вокзали, вокзалдан Ичан қалъага бошловчи ҳудуд билан танишув барчага ҳайрат бағишлади.

Саёҳатдан сўнг бир пилё чой атрофида маданий тадбир ташкил қилинди. Касба уюшма аъзолари мамлакатимизда инсон омиллига бўлган эътибор, ижтимоий ҳимоянинг тобора мустақамлашаётгани ҳақида сўз юритишди, ўзаро тажриба алмашишди.

Муҳаббат Тўрабоева,  
«Ishonch» мухбири

## Ички туризм

## КУН НАФАСИ



Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

ЎЗА

Давлатимиз раҳбарининг «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

ЎЗА

2019 йил 1 январь куни Ўзбекистонда 1442 нафар чақалоқ туғилди.

ЎЗА

Марказий банк эсдалик тангаларини сотиш нархларини янгилади. Унга кўра, 1 олтин танга – 13,3 млн. сўм, 1 кумуш танга – 257 минг сўм этиб белгиланган.

ЎЗА

Полковник Бахтиёр Пормонов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патрул пост хизмати ва жамоат тартибни сақлаш Бош бошқармасига бошлиқ этиб тайинланди.

ИИБ матбуот хизмати

Туркия Ўзбекистонда металл фойдали қазилмалар кенини қидириш бўйича якуний келишув имзоланиши мўлжалламоқда.

Ўзбекистон Судандан кейин Туркия фойдали қазилмаларни қидириш билан шуғулланувчи иккинчи давлатга айланади, дея таъкидлаб ўтган Туркия энергетика ва табиий ресурслар вазири ўринбосари Митхат Канзиз.

Лойиҳани Минерал тадқиқотлар ва қидириш Бош бошқармасининг шўъба корхонаси амалга оширади.

Daily Sabah

Тошкент шаҳридаги «Хўжа Аламбардор» жоме масжиди имом-хатиби Раҳимберди Раҳмонов Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳридаги вакили, шаҳар бош имоми ва Юнусобод тумани «Минор» жоме масжиди имом-хатиби вазифаларига тайинланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
матбуот хизмати

Қозоғистон «Ўзбекнефтегаз» билан қозоқ нефтни қайта ишлаш заводларидан Ўзбекистонга бензин етказиб бериш бўйича дастлабки музокараларни ўтказмоқда.

abctv.uz

## Жамоатчилик муҳокамаси

### Энг кам ойлик иш ҳақи ўзгарадими?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Парламентга мурожаатномасида энг кам ойлик иш ҳақини белгилаш ва пенсия тизимини қайта кўриб чиқиш масаласига ҳам тўхталган эди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида ушбу масала ҳам ўрин олган.

Лойиҳада қайд этилишича, бу борада тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш, унга мувофиқ солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш, ходимларнинг иш ҳақи миқдорини ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентини ошириш

ҳисобига кўпайтириш, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентларини ошириш кўрсаткичидан келиб чиқиб кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Ижро учун масъуллар Молия, Меҳнат ва Иқтисодий вазирликлари ҳамда Марказий банк этиб белгиланган мазкур вазифани бажариши мудири



# Адолат нури – тараққиёт йўлимиз маёғи


Қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асариди одиллик, бағрикенглик, сахийлик, тadbиркорлик, сиёсат ва бошқариш ишларида билимдонлик, ишонч каби хислатлар тараққиётнинг асосий омилли эканлигини баён этган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга қилган Мурожаатномасида ҳам ана шу жиҳатларнинг барчаси мужассам эканлигига амин бўлдим. Мурожаатномада суд-ҳуқуқ соҳасининг асосий устувор вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди. Дарҳақиқат, жамиятда барқарор мувозанатнинг, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашининг муҳим шарт бўлган бу одиллик тамойилини ҳаётиямизда янада кенг қарор топтириш зарурий шартлардан ҳисобланади. Эндиликда Президентимиз томонидан қўйилаётган талаб-

лар асосида судьяларни танлашда жамоатчилик фикри ва улар олдидаги ҳисобдорлик масаласи тўлиқ ўз ифодасини топади. Бу ушбу тизимда шаффофлик таъминланиши ва муҳими, муносиб шахслар судья бўлишига йўл очади. Айтиш жоизки, туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини тайинлаш вазифасини судьялар ҳамжамияти тўлиқ ўз зиммасига олиши тизим зиммасига қўйилган масъулиятни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш масалаларига тўхталар экан, амалдаги Жиноят ва

Жиноят процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинганлини эслатиб ўтди. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгаргани нуктаи назардан бу кодекслар бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги айтилди. Бу борада қонунчиликни такомиллаштириш бўйича идораларо ҳамжамияти тўлиқ ўз зиммасига олиши тизим зиммасига қўйилган масъулиятни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш масалаларига тўхталар экан, амалдаги Жиноят ва

бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Демак, адолат нури тараққиёт йўлимизга маёқ бўлажак.



Адолат ҲАМРОЕВА, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малласини ошириш маркази тинловчиси

## Самарқанд вилояти

### Касаба уюшмаси аралашгач...

Ҳар бир инсон ҳалол меҳнат билан рўзғорни бут қилсам дейди. Шу сабаб кимдир у, кимдир бу касб-у кор этагини тутати. Қолаверса, ишчан, ташаббускор ва фаол ходим, жамоа кўзгуси сифатида алқаб келиниши ҳам бор гап. Аммо тасодиф туфайли (буни инкор қилиб бўлмайди) ўша ишчи билан бирор кор-ҳол юз берса-чи? Бундай вазиятда ҳам ишхона қараб турмайди, албатта.

# Фойдаси ёқади-ю, зарари чақади(ми?)

– Бу жараёнда зарар, товон каби қонунларимизда кўзда тутилган бир қатор тўловлар мавжуд – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнат муҳофазаси бўлими мутахассиси Муҳаммад Сатторов. – Аммо аксар ҳолларда иш берувчиларнинг меҳнат қонунларини мукаммал билмасликлари муаммолар учришига олиб келмоқда.

Мана бир мисол. «Қўшраб» тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ишчиси Бахтиёр Муҳаммадиев 2018 йилнинг 29 январь кунини Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган обдонлаштириш ишларига йўланган эди. Вазифани удралаб бўлган Б.Муҳаммадиев туманга қайтар чоғида автотўй ҳодисасига учраб жараҳатланиди. Бахтсиз ҳодиса туфайли унга Окдарё ТМЭК томонидан III гуруҳ ногирони, 40 фоизлик меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланган. Ҳодиса бевоқифа ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги тўғрисида Н-1 шаклидаги далолатнома тузилган ва ҳисобга олинган. Аммо корхона маъмурияти жабрдийдаги меҳнат қобилияти пасайиши билан боғлиқ зарарни қоплаш, ҳар ойлик тўлов ҳамда бир марталик, бир йўла тўлашни лозим бўлган нафақа пуллари тўлаб беришни пайсалга солиб келган.

Ушбу ҳолат Б.Муҳаммадиевнинг мурожаати асосида Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари томонидан ўрганиб чиқилди. Жамоат ташкилоти талаби билан мурожаатнинг нафақа пуллари ундирилди. Меҳнат соҳасидаги низоли вазият шу бургина ҳолат эмас. Самарқанд шаҳридаги «Сино» акциядорлик жамияти корхонанинг совоби ҳодими Абдуҳамид Раҳимовга соғлиққа етказилган зарар пули нафақасини тўлаб беришни чўзиб келган. Бу масала ҳам касаба уюшмалари аралашуви билан барҳам топди. Яна бир ҳолат. «Самарқанд сувқурилишининг меҳнат қонунларини мукаммал билмасликлари муаммолар учришига олиб келмоқда.

Мана бир мисол. «Қўшраб» тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ишчиси Бахтиёр Муҳаммадиев 2018 йилнинг 29 январь кунини Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган обдонлаштириш ишларига йўланган эди. Вазифани удралаб бўлган Б.Муҳаммадиев туманга қайтар чоғида автотўй ҳодисасига учраб жараҳатланиди. Бахтсиз ҳодиса туфайли унга Окдарё ТМЭК томонидан III гуруҳ ногирони, 40 фоизлик меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланган. Ҳодиса бевоқифа ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги тўғрисида Н-1 шаклидаги далолатнома тузилган ва ҳисобга олинган. Аммо корхона маъмурияти жабрдийдаги меҳнат қобилияти пасайиши билан боғлиқ зарарни қоплаш, ҳар ойлик тўлов ҳамда бир марталик, бир йўла тўлашни лозим бўлган нафақа пуллари тўлаб беришни пайсалга солиб келган.

Ушбу ҳолат Б.Муҳаммадиевнинг мурожаати асосида Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари томонидан ўрганиб чиқилди. Жамоат ташкилоти талаби билан мурожаатнинг нафақа пуллари ундирилди.

Меҳнат соҳасидаги низоли вазият шу бургина ҳолат эмас. Самарқанд шаҳридаги «Сино» акциядорлик жамияти корхонанинг совоби ҳодими Абдуҳамид Раҳимовга соғлиққа етказилган зарар пули нафақасини тўлаб беришни чўзиб келган. Бу масала ҳам касаба уюшмалари аралашуви билан барҳам топди. Яна бир ҳолат. «Самарқанд сувқурилишининг меҳнат қонунларини мукаммал билмасликлари муаммолар учришига олиб келмоқда.

Мана бир мисол. «Қўшраб» тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ишчиси Бахтиёр Муҳаммадиев 2018 йилнинг 29 январь кунини Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган обдонлаштириш ишларига йўланган эди. Вазифани удралаб бўлган Б.Муҳаммадиев туманга қайтар чоғида автотўй ҳодисасига учраб жараҳатланиди. Бахтсиз ҳодиса туфайли унга Окдарё ТМЭК томонидан III гуруҳ ногирони, 40 фоизлик меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланган. Ҳодиса бевоқифа ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги тўғрисида Н-1 шаклидаги далолатнома тузилган ва ҳисобга олинган. Аммо корхона маъмурияти жабрдийдаги меҳнат қобилияти пасайиши билан боғлиқ зарарни қоплаш, ҳар ойлик тўлов ҳамда бир марталик, бир йўла тўлашни лозим бўлган нафақа пуллари тўлаб беришни пайсалга солиб келган.

Ушбу ҳолат Б.Муҳаммадиевнинг мурожаати асосида Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари томонидан ўрганиб чиқилди. Жамоат ташкилоти талаби билан мурожаатнинг нафақа пуллари ундирилди. Меҳнат соҳасидаги низоли вазият шу бургина ҳолат эмас. Самарқанд шаҳридаги «Сино» акциядорлик жамияти корхонанинг совоби ҳодими Абдуҳамид Раҳимовга соғлиққа етказилган зарар пули нафақасини тўлаб беришни чўзиб келган. Бу масала ҳам касаба уюшмалари аралашуви билан барҳам топди. Яна бир ҳолат. «Самарқанд сувқурилишининг меҳнат қонунларини мукаммал билмасликлари муаммолар учришига олиб келмоқда.

Мана бир мисол. «Қўшраб» тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ишчиси Бахтиёр Муҳаммадиев 2018 йилнинг 29 январь кунини Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган обдонлаштириш ишларига йўланган эди. Вазифани удралаб бўлган Б.Муҳаммадиев туманга қайтар чоғида автотўй ҳодисасига учраб жараҳатланиди. Бахтсиз ҳодиса туфайли унга Окдарё ТМЭК томонидан III гуруҳ ногирони, 40 фоизлик меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланган. Ҳодиса бевоқифа ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги тўғрисида Н-1 шаклидаги далолатнома тузилган ва ҳисобга олинган. Аммо корхона маъмурияти жабрдийдаги меҳнат қобилияти пасайиши билан боғлиқ зарарни қоплаш, ҳар ойлик тўлов ҳамда бир марталик, бир йўла тўлашни лозим бўлган нафақа пуллари тўлаб беришни пайсалга солиб келган.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

## «Обод қишлоқ» дастури асосида



Фарғона вилояти

Тошлоқ туманидаги «Сувбоши» маҳалласи 2018 йилда тубдан ўзгарди. Яқин-яқингача коммунал тармоқларни таъмирлаш туфайли ҳосил бўлган тупроқ тепаликлар, ўйдим-чўқурликлар Тошлоқни Марғилоннинг Ипақчилар шаҳарчаси билан боғлаб турувчи йўлнинг «ҳўснбузари» бўлиб турарди. Маҳалладошларига ҳаммиша камарбаста бўлиб келаётган тadbиркор Бахтиёржон Эралиевнинг саяёҳаракати билан у текис ва равон йўлга айланди. Шарқ юлдузи, Лутфий, Озода, Беруний, Шодиёна кўчаларига ҳам янги нафас кирди. Бир километрга яқин йўлларнинг асфальтланиши ҳаммани қувонтирди.

# Эзгу ишлар бардавом

Дарвоқе, маҳалла фуқаролар йиғинининг икки қаватли янги бинода фаолият кўрсата бошлаши ҳам ана шу эзгу ишлар билан бир вақтга тўғри келди. Қурилиш ишлари якунига етган кун чинакам байрамга айланиб кетди.

– Маҳалла гузарни, Нурунийлар маскани ва мўъжаз кутубхонамиз бир бинода жойлашди. – дейди МФЙ раиси Нурмуҳаммад Мелибоев. – Бу масканнинг кўркам қиёфаси кекса-ю ёшнинг кўнглига манзур бўлмоқда. Гузар ҳовлиси ва йўллари тўлиқ таъмирланиши, ишончаларимизни мебель жиҳозлари билан таъминлаш, канализация тармоқларининг янгиланишида тadbиркорлар, умуман, аҳолининг фидойилиги ва ҳамжihatлиги бор. Аҳамиятли жиҳати, сувбошиликлар китобхоналикни юксалтириш масаласини ҳам эътибордан четда қолдиргани йўқ.

Мўъжазгина кутубхонадан қисқа вақтда 400 та ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналари ўрин олди. Бу ерда эндиликда нафақат ёшлар, балки катталар ҳам мароқли мутолаадан баҳраманд бўляпти.

Маҳалла фаоллари эҳтиёманд оилаларнинг дард-у ташвишларига шерик бўлишда ибратли ишларга қўл уришган. Яқиндагина 22 та ана шундай оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тўхфа қилинди. Таъмирталаб хонадорларга амалий ёрдам кўрсатилди. Сирасини айтганда, Тошлоқда Сувбоши намунага айланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга табиқ этилган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» Давлат дастурларида кўзда тутилган эзгу юмушлар ва янгиланишлар бу ерда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу эса маҳалла аталмиш масканнинг халқимиз ҳаётига нур бераётганидан далолатдир.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

## Сўраган эдингиз!

# Меҳнат дафтарчаси бекор қилиндими?!

Юртдошларимиз орасида кўп муҳокамаларга сабаб бўлган мавзулардан бири – меҳнат дафтарчасининг бекор қилиниши масаласи. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида «электрон меҳнат дафтарчаси» тизимини жорий қилиш кўзда тутилган.

Амалда бўлиб турган меҳнат дафтарчаларидаги қайтарилган иш берувчи томонидан босқичма-босқич электрон базага киритилди. Илк марта ишга жойлашадиган шахсларга қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаси очилмайди. Ўрнига шу ҳужжатнинг электрон муқобилини расмийлаштириш кўзда тутилмоқда.

– Ушбу усул кўпгина қўлайликларга эга, – дейди Самарқанд шаҳар Бандликка қўмаклашиш маркази Бўш иш ўриларини умумлаштириш гуруҳи бош мутахассиси Фарҳод Ҳамроев. – Сабаби, корхона ва ташкилотлар ўзларидида кадрлар иш стажини электрон тартибда юритиши ҳисобига маблағ тежалди. Шунингдек, ишчи ва ходимлар иш стажини юритишдаги ноаниқликлар, асосланмаган ёки тасдиқланмаган маълумотларнинг вужудга келишининг олди олинади.

Бундан ташқари, «электрон меҳнат дафтарчаси» тизимида ходимларнинг маоши, пенсия таъминотига ўтказарилиши таъминлаш ишларини кучайтириши тақозо этади.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошида янги корхона, ташкилот ва муассасаларни ташкил этиш жараёнида уларга зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда бепул ҳуқуқий-консултация ёрдам кўрсатиш бўйича жамоатчилик асосида фаолият юритувчи «Юридик клиника» ташкил қилинди. 2017 йилда ходимлари аъзоликка қабул қилинган 4520 та ташкилотдан 8 тасида, 2018 йилда 4912 та ташкилотдан 306 тасида бошланғич ташкилотлар тузилиб, жамоа шартномаси билан қамраб олинган, қолганлари эса мавжуд касаба уюшмалари таркибига киритилган.

диган ажратмалари ҳисоби ҳам автоматлаштирилиб, базада тегишли маълумотлар шакллантирилади. Энг асосийси эса юртдошларимиз пенсия ёшига етгач, тўлланиши лозим бўлган «бир дунё» ҳужжатларини йиғиб овора бўлмайди. Электрон тизимдаги маълумот унга асқотади.

– Жорий йилда яхши ниятлар билан соҳамга алоқадор ишга кирмоқчи бўлиб турибман, – дейди Қорақалпоқ давлат университетини талабаси Назоқат Шарипбоева. – 2019 йилдан кучга кирган «электрон меҳнат дафтарчаси» тизими менинг анчагина вақтимни тежади. Библиотекани, бундан бунён барча молиявий тушумлар ҳамда маълумотларим ушбу тизимда сақланар экан. Бу имкониятдан манмунман.

«Ishonch» муҳбири Давронбек ОРИПОВ тайёрлади



Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг IV мажлиси бўлиб ўтди. Унда долзарб масала – нодавлат секторга мансуб корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилиш ҳамда аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қачонгидан-да теранроқ ифода этиш ҳақида сўз борди.

# Фаоллик – муваффақият кафолати

Мавзу юзасидан бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов сўзга чиқди. Қайд этилдики, амалга оширилган ишлар натижасида 2017 йилда жами 4520 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 15442 нафар ходим аъзоликка қабул қилинган бўлса, 2018 йил давомида 4912 та ҳўжалик юритувчи субъектда меҳнат қилаётган 21235 нафар ишчи ва хизматчи касаба уюшмаси хизмати билан қамраб олинди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани натижасида мазкур соҳадаги корхона ва ташкилотлар сонининг кун сайин ортиб бораётгани бу борадаги ишларни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг нодавлат сектори корхоналаридаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириши тақозо этади.

Аъзоларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоялашга касаба уюшмалари томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқаришда соғлом, хавф-хатарсиз иш шaroитларини яратиш ҳам энг долзарб масалалардан ҳисобланиб, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Юртимизда фаол инвестиция сиёсати юритилаётир. Замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тadbиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ ҳўжалигида замонавий,

истиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизимини йўлга қўйиш, фермер ҳўжаликлари-нинг натижадорлигини кучайтириш бўйича амалий ишлар қилинапти.

Йиғилишда, шунингдек, нодавлат секторга мансуб корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вилоятдаги барча бўғин касаба уюшмалари ташкилотлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари томонидан амалга оширилаётган ишларни имкон қадар кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Мажлис сўнгида тизимдаги туман кенгаши ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг Устав бўйича фаолиятларини намунали йўлга қўйиш борасидаги ишларга ижодий ёндашиш ва бу борада ҳўжатларни расмийлаштириш билангина чекланиб қолмасдан, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига эътиборни оширишга доир тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

## Ўқув

# Малака оширишга хизмат қилди



Касаба уюшмалари Федерациясининг Ўқув марказида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилотларда фаолият юритаётган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг соҳага алоқадор мутахассислари учун малака ошириш ўқуви ташкил этилди.

Ўқув машғулотини ишчи-ҳодимларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сийҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тadbирлари ҳамда воситалари тизимини янада самарали йўлга қўйиш ҳамда уларга зарур шарт-шaroитлар яратишида касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакиллар фаолияти таъсирчанлигини оширишга эришишга йўналтирилди.

Ўқув жараёнида иштирок этган 25 нафар тинловчига «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонун (янги тахрири), корхона ва ташкилотларда сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари, Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича комиссиясининг меҳнат муҳофазаси ҳолатлари юзасидан жамоатчилик назорати бўйича фаолияти, меҳнатда жараҳатланган ва боқувчисини йўқотган шахсларга зарар тўловларини тўлаш тартиби ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш юзасидан тушунтиришлар берилди.


Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар амалий машғулот сифатида «Ўзбекистон наشريёт-матбаа ижодий уйи»га олиб борилиб, касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия раисининг фаолияти, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан олиб бориладиган ишлар, жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси битими тadbирларини амалга ошириш жараёни билан таништирилди, уларга иш жойларида яратилган шaroитлар, бахтсиз ҳодисалар олдини олишда касаба уюшмаларининг вазифалари тушунтирилди.

Ўқув машғулотини якунлари бўйича тест синаовлари ўтказилиб, натижаларга кўра тинловчиларга сертификатлар топширилди.

Б.МИРЗАЕВ, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофазаси қилиш бош мутахассиси

**ЯНГИ РУКН —  
«Сизни қизиқтирган мавзу!»**

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2019 йилдан бошлаб ишлайётган пенсионерлар иш ҳақи билан бирга пенсиясини ҳам тўлиқ миқдорда олади. Таҳририятимизга пенсия ва нафақа олиш тартиби, миқдори ҳусусида кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Шу сабабли газетхонлар ва фуқароларни қизиқтирган долзарб саволларга жавоб бериш мақсадида «Сизни қизиқтирган мавзуда», деб номланган янги рукн ташкил этдик. Унда одамларни қизиқтираётган, таъбир жоиз бўлса, қийнаётган саволларга мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ечим топишни мақсад қилганмиз. Янги рукннинг илк саҳифаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси кўмағида тайёрланди.



**ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР:**

**КИМГА, ҚАНДАЙ, ҚАНЧА?**



**ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНДИ?**  
Мамлакатимизнинг асосий Қонуни бўлган Конституциямизнинг 39-моддасига биноан, ҳар ким қариғанда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Давлат пенсия таъминоти тизими 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун ҳамда ушбу қонун асосида ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонунга асосан иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ улар қонунда белгиланган тартибда нафақа олиши мумкин. Бундай тоифадаги кишиларнинг ижтимоий таъминлаши тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 7 апрелда тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

**ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАНИНГ ФАРҚИ НИМАДА?**

Маълум иш стажига эга бўлган фуқароларга пенсияларни тайинлаш ҳамда иш стажига эга бўлмаган қариялар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларга ижтимоий нафақаларни тайинлаш тизими шартли равишда иккига бўлинади.

**ПЕНСИЯ**

Мамлакатимизда амалда бўлган пенсия тизими бу — «бирдамлик» пенсия таъминоти тизимига асосланган бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари учун маблағлар, асосан бугунги кундаги иш бевувиликлар томонидан Пенсия жамғармасига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳисобидан амалга оширилади.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб, мурожаат этиши мумкин.

Масалан, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажига эга бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажига эга бўлган тақдирда эга бўлади.

Пенсия ёшига етиб, зарури иш стажига эга бўлмаган тақдирда, ле-

кин камида 7 йиллик иш стажига эга бўлса, бор стажига мутаносиб равишда тўлиқсиз миқдорда ёшга доир пенсия тайинланади. Тўлиқсиз ёшга доир пенсиянинг миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Ёшга доир энг кам пенсиянинг миқдори 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 396 500 сўмга тенг.

Бутун дунёда умумқабул қилинган пенсияга берилган таърифта кўра, пенсия — фуқаронинг илгари олинган даромадини унинг ижтимоий бадалларни тўлаган суммаси ва даврига мутаносиб равишда қисман қопловчи ҳар ойлик тўланадиган миқдорга айтилади.

Демак, пенсиянинг миқдори фуқароларнинг бевосита иш стажига ва иш ҳақи, яъни тўланган ижтимоий тўловларга пропорционал боғлиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади экан.

**Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан эътироф этилишича, пенсия таъминотининг асосий мезони — ижтимоий адолат мезонидир. Яъни фуқаро қанча узоқ вақт ва кўп миқдорда ижтимоий тўловларни тўлаган бўлса, пенсия миқдори ҳам шунча кўп бўлиши зарур.**



**ИЖТМОИЙ НАФАҚАЛАР**

Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини кафолатлаш доирасида пенсия тайинлаш учун иш стажига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга — ижтимоий нафақалар давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан тўланади. Яъни маълум бир сабабларга кўра ишлаган ёки ишлай олмаган фуқароларга давлат томонидан пенсиядан фарқли ўлароқ ҳар ойлик тўланадиган нафақалар берилади.

Ижтимоий нафақалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармонларига мувофиқ қатъий миқдорларда белгиланади.

Мисол учун, ёшга доир нафақалар эркаклар 65 ёшга етганда, аёллар эса 60 ёшга етганда ҳамда иш стажига 7 йилдан кам бўлганда тайинланади. Ёшга доир ижтимоий нафақанинг миқдори 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 243 300 сўмга тенг.

**2019 йилда бирор бир турдаги пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартиби бекор бўлмаган ҳолда ҳар ойнинг 27-санасига қадар тўлиқ амалга оширилади.**

**Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқароларнинг ихтиёрий равишда суғурта тўловларини тўлаши орқали пенсия ва нафақалар олиш имконияти ҳам яратилди.**

**ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ВА ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА**

Чет элда ишлайётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарорига мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркорларнинг, жумладан, оилавий тадбир-

Бундан ташқари, 2018 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3839-сонли Президент қарорига мувофиқ 2018 йил 1 августдан хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдоридан йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда тўласа, тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қайд этилган қарорига асосан чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари ҳисоби унинг доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан юритилади.

**ТЎЛОВ МЕХАНИЗМИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?**

Бу ишни амалга оширишни истовчилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган шахсий ёрдамчи хўжалиқда қорамол мавжудлиги ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан бандлиги тўғрисида маълумотномани олган ҳолда доимий яшаш жойи бўйича Давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этади. Давлат солиқ органлари эса фуқаронинг меҳнат фаолиятдан келиб чиққан ҳолда махсус солиқ коди очади. Шундан сўнг фуқаро ўзининг имкониятига қараб тўловларни тўлайди.

Бу жараён қуйидаги шаклда амалга оширилади:

**1. Ёшга доир пенсия ёки ёшга доир нафақа**

Камида 7 йил суғурта бадаллари тўланган давр бўлса: эркакларга 60 ёш, аёлларга 55 ёшда ёшга доир пенсия тайинланади.

**2. Ёки II гуруҳ ногиронларига**

Суғурта бадалларини ёшига тўғри келадиган иш стажига мос келган давр учун тўлаган бўлса:

- а) камида 889 166,66x55 фоиз = 489 041,66 сўм пенсия;
- б) I гуруҳ ногиронига энг кам иш ҳақининг 75 ёки 100 фоизи миқдоридан устам олиши мумкин.

Суғурта бадаллари тўламаган бўлса, ногиронлик нафақаси (243 300 сўм) фақат иш қобилиятини доимий йўқотган ҳолда тўланади.

**3. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки боқувчисини йўқотганлик нафақаси**

Суғурта бадалларини ёшига тўғри келадиган иш стажига мос келган давр учун тўлаган бўлса:

- а) 1 нафар фарзандга — камида 889 166,66x30 фоиз = 266 749,99 сўм
- б) 2 нафар фарзандга — 889 166,66x60 фоиз = 533 499,99 сўм
- в) 3 нафар фарзандга — 889 166,66x90 фоиз = 800 249,99 сўм
- г) 5 нафар фарзандга — 889 166,66x120 фоиз = 1 066 999,99 сўм

Суғурта бадаллари тўламаган бўлса:

- а) 1 нафар фарзандга — 202 730x50 фоиз = 101 365,00 сўм
- б) 2 нафар фарзандга — 202 730x75 фоиз = 152 047,5 сўм
- в) 3 нафар ва ундан кўп фарзандга 202 730x100 фоиз = 202 730 сўм.

**Ушбу тадбирларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш ҳамда пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Холли НОРБОВЕВ тайёрлади

**«Ishonch»  
кўзгусида**

Сирдарё вилояти

**Коррупциясиз ҳаёт сари**

Сирдарё вилояти ҳокимлигида вилоят коррупцияга қарши курашиш комиссиясининг матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда вилоят коррупцияга қарши курашиш комиссияси томонидан 2018 йилда амалга оширилган тарғибот ишлари ҳисоботи тингланди. Содир этилган жиноятлар сони аввалги йилларга нисбатан кескин камайганлиги эътироф этилди. Комиссия раиси Ғофиржон Мирзаев вилоятда 2019 йилда коррупция ва порахўрликнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйилиши ҳақида гапириб, вилоят «Коррупциясиз ҳаёт» шiori билан иш бошлашини маълум қилди.

**Истироҳат боғи янги қиёфада**

Гулистон шаҳар истироҳат боғи 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобига янги қиёфага эга бўлди. Боғнинг барча йўлак ўриндиқ ва ёритиш чироқлари янгилик билан қурилди, замонавий қурилмалар билан алмаштирилди, янги аттракционлар ўрнатилди. Вилоятда янги йил байрами саҳналари ҳам замонавий боғда ташкил этилди.

**Кўзи ожизлар кутубхоналари барпо этилади**

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 сентябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Сирдарё вилоятида 2019 йилда янги қуриладиган кўзи ожизлар кутубхонаси лойиҳаси тасдиқланди. Дастурга биноан, махсус ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш учун ногиронлиги бўлган шахслар тўлиқ қамраб олиниши мақсадида вилоятда истиқомат қилувчи I, II ва III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхати шакллантирилади ҳамда ҳар уч йилда янгилаб борилади.


**Мактаблар қачон қурилади?**

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Сирдарё вилояти бўлими томонидан кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатини ташкил этиш масаласида қилинган мурожаатлар ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотига кўра, ҳозирги кунда вилоятда ушбу тоифада 224 нафар бола мавжуд. Вилоят халқ таълими бошқармаси вазиятни ўрганиб, уларнинг 68 нафари умумтаълим мактабларида тахсил олаётгани, 57 нафари бошқа ҳудуд мах-

**Китобсиз «Билимдонлар маскани»**

Гулистон шаҳридаги «Билимдонлар маскани» китоб дўкони яқинда иш бошлаганига қарамай кўпчилик китобсеварларнинг сеvimли масканига айланиб улгурган эди. Айниқса, дўконнинг шаҳар марказида жойлашгани кўпгина қўлайликлар яратар эди. Бу маскандан ўтказиладиган турли тадбирлар шаҳар аҳлига маъқул келарди. ...Бироқ айни кунда китоб дўкони пештахталари бўмбўш, китоблар «Билимдонлар маскани»ни тарқ этган. Дўкон эгаси тадбиркор Мадраҳим Қосимов зиё тарқатиш учун бинода шароит йўқлиги, электр токида тез-тез узилишлар бўлиши ва дўконнинг ижара ҳақи ошиб кетгани сабабли уни ёпишга мажбур бўлганлигини маълум қилди. **Озода МАМАДАЛИЕВА,** «Ishonch» мухбири



Самарқанд вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Райҳон Абдуллаевага отаси **Абдулло БҮРИБОВЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

**Сурхондарё вилояти**

# Халқаро фестиваль олдидан Бахшиларнинг яхшилари Бойсунда беллашади



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида низоми ва фестиваль «йўл хари-таси» ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги кенг жамоатчилик билан биргаликда 2019 йил 5-10 апрель кунлари Маданият вазирлиги томонидан ўтказилиши режалаштирилган мазкур фестивалга тайёргарлик ишларини бошлаб юборган.

**Тасдиқланган низомида кўра фестиваль доирасида:**

- бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш, бахши-шоир, оқин ва жировлар ижодининг шарқ маданияти ҳамда санъатидаги ўрни, шунингдек, аҳамиятини янада ошириш каби масалаларга оид илмий-амалий конференция;
- бахши-шоир, оқин ва жировлар ҳамда фольклор жамоаларининг халқаро кўрик-танлови;
- бахшичилик санъати тарихига оид кўразма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий-тадқиқот асарлари ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойиши ўтказилади.

Халқаро ҳайъат томонидан кўрик-танлов иштирокчиларининг чиқишлари икки, яъни достон ва чолғу ижрочилиги йўналишларида баҳолаб борилади.

**Низомида кўра иштирокчилар:**

- концертларда чиқиш тажрибасига эгалиги;
- ўз ва бошқа давлатларда танлов, фестивалларда иштирок этган бўлиши;
- тегишли маданият ва санъат соҳасидаги юқори ташкилотлар ёки

фестиваль дирекцияларининг тавсияномаси талаб этилади.

Кўрик-танловда чиқиш учун фойдаланишга рухсат этилмайди.

Халқаро бахшичилик санъати фестивалида иштирок этиш учун ўнлаб давлатлардан таниқли фольклор-шунос олимлар, бахши, шоир, оқин ва жировлар, ижодий жамоалар, фазрий меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташрифи кутилмоқда.

– Яқинда вилоят ҳокимлигида ушбу фестивалга бағишлаб вилоят ташкилий ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди, – дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари Рўзимурод Чориев. – Унда мутасадди ташкилотларга меҳмонларни муносиб кутиб олиш, Сурхон воҳаси тарихи, маданияти, ота-боболаримиз бой мероси, урф-одатлари билан кенгроқ таништириш, айна дамда Термиз шаҳридаги меҳмонхона ва меҳмон уйлари ҳозирлаш тўғрисида тавсиялар берилди. Қўрадан ташқари, воҳада яшаб ижод билан

Очиқ чехрли одам — иккиозламачиликдек нуқсондан йироқ бўлади...

Кимки кўнглини қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгида тил найзасининг жароҳати битмас; у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас.

**Алишер НАВОЙИ**

\*\*\*

Гуноҳқорман ёлғиз мен ўзим, яна мен оқлайсан, она...

**Рауф ПАРФИ**

## Улуғлар дейдики...

\*\*\*

Қай бири оғирроқ, ҳатто билмайман — уни ҳафза кўришимиз ёки хурсанд кўришимиз?

**Хелен УОЛШ**

\*\*\*

Барчамиз ақлсиз бўлиб туғилмадик. Баъзилар эса, шундайлигича қолиб кетади.

**Сэмюэл БЕККЕТ**

\*\*\*

Ақл тугаган жойда, ишонч бошланади.

**Аврелий АВГУСТИН**

\*\*\*

Биз инсонларни ёмон бўлгани учун ёмон кўрмаймиз, биз уларни севмаганимиз учун ёмон кўраемиз.

**Лев ТОЛСТОЙ**

\*\*\*

Ер юзидеги ҳар бир одамзодга аталган, уни кутаётган ўз хазинаси бор.

**Пауло КОЭЛЬО**

\*\*\*

Инсониятнинг донишмандлиги икки сўзга яширинган: кутими ва умид қилиши.

**Александр ДЮМА**

\*\*\*

Ҳеч кимга керак эмасман, — деб ўйлайдиганлар, аслида, энг керакли одамлардир.

**Эрих Мария РЕМАРК**

### Қулоққа чалинган гаплар

Ҳадеб яшаш ҳуқуқини талаб қиладиганлардан нарироқ юрган маъқул. Улар бошқаларда ҳам шундай ҳуқуқ борлигини, негадир ўйламайдилар. Балки шунинг учунми, бир умр талаб билан, норозиланиб ашайдилар. Ёғ ичида яйрамаган рўшнолик нима эканини қайдан ҳам билсин?..

Оздами барака, кўпдами барака? Бу масаланинг қай тусда ечим топишига боғлиқ. Дейлик, бозордасиз. Картошка олмақчи бўлдингиз. Икки кило учун сотувчи айтган нархидан асло тушмаслиги аниқ. Йигирма кило десангиз-чи? Нархни ўн-ун беш фоизга камайтириши мумкин. Демак, барака кўпда эканми? Лекин жиддийроқ фикрласангиз, сотувчи ҳам ютқазгани йўқ. Маҳсулот қанча тез айланса, фойда ҳам шунча кўп бўлади-да! Демакки, озда ҳам...

Тонг отиб, кеч бўлиши бизга боғлиқ эмас. Лекин кунни қандай ўтказиш ҳар кимнинг ўз кўлида. Бир икки бўлган ким-у, боридан ҳам мусово бўлган ким — сабоқ олиш ва хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

## ҲАЁТ дерлар буну...

Жойингни биллиб чўк. Сендан зўрроқлар ташриф буюрган ҳамон пастроққа сурилишингга тўғри келмасин. Бундай ҳол яна ва яна такрор бўлиб, пойгакка тушиб қолишинг ҳеч гап эмас. Ҳар гал жой бўшатганинда бир энлик эт йўқотишингни унутма. Урнини тўлдириш учун еган-ичганларнинг урвоқ ҳам бўлмайди...

Курумсоқ, боқибегам ва таъмагир кишиларга эланиб бўлмайди. Биринчи тоифадагилар ўргангани «йўқ» сўзидан нарига ўтмайди. Иккинчи тоифадагилар ё эшитмайди, ё ўзини эшитмаганга солиб, без бўлиб тураверади. Учинчи тоифадагилар мўлжалдагиси қўлига кирмагунча бир хатлаб ўтса бўладиган ариқ устига кўприк солгулик даражада миҳғовланиб тинкани курилади.

Пул ҳаммага керак. Бироқ унга эришиш анчайин машаққатли юмуш бўлиб, иродаси сусти, фикри бузуқ кишиларни осонгина йўлдан раҳат, издан чиқаради. Уларнинг тава-тазарруси эса, шунчаки жазодан кутулиб қолиш учун...

Бировнинг дўпписини бировга кийгизиш ҳадисини олганлар ҳеч кимдан узоқ вақт қарз бўлиб қолмайдилар. Лекин бу фоний дунё. Охир-оқибат, бир кунмас-бир кун кимдир қарзини қайтариб ололмаганили маълум бўлади.

Сўрашди: — Еяр-ичарда бировлардан кам жойингиз бўлмаса. Ҳамма ҳурматингизни жойига қўйсиз. Нима қиласиз, қаёқдаги подадан қочганлар билан мансаб талашиб?

Жавоб қилди: — Улманг. Ҳар қандай лавозим Яратганининг инояти. Айнаш шунинг учун ҳам у қандайдир муттаҳамнинг қўлига ўтиб кетмасин, деялман-да...

Тўқ одамгина эртасини ўйлайди, янада фаровон яшаш режаларини тузади. Оч одам доим кунни омон-эсон ўтказиб олиш ҳаёли билан яшайди. Энг ёмони, ҳар бир келаятган кунни зўр хавотир билан кутиб олади.

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН**

# Ҳаёт манзаралари

### Кичик ҳикоялар

#### Сейж РОМАНО

## Ҳақиқий ишқ

Хушрўй, хушбичим аёл пиёдалар йўлакчасидан аста-аста қадам ташлаб борарди. Ортдан бир эркак яқинлашди ва: — Гоят сулуvsиз, вафодорим бўлинг, — деди. Аёл бошини чайқаиб, майин табассум билан: — Мендан сизга ер-чиқмайди. Ортимиздан келаятган аёл мендан кўра сизга кўпроқ муносиб. У ҳам сулуvsликда кўплардан қолишмайди, — деди.

Эркак ортига ўгирилди ва бадбашара бир аёлга кўзи тушди. — Йўқ! — рад этди у дарҳол. — Кўнглим ёлғиз сизни дейди. Хоним жавоб берди: — Агар ишқингиз чинданам менга тушганида, ортага ўгирилмасдингиз!

**Байрам ОҒА таржимаси**

#### Карла ФОДОР

Етти яшар қизим Тамико шу кунларда жуда хурсанд. У Янги йил келиши ва Қорбобо ҳаммага совға улашишини интиқ бўлиб кутмоқда. Бугун Тамико мактабдан қайтиб, хонасига кириб олди. Ҳеч ким кирмай туришини айтди. Билишимча, унинг қўли тўла совға эди. Бироздан сўнг у эшикни очди ва ўралган совғаларини арча тагига териб қўйди. Мен эрим билан аста уларга кўз югуртирдик. Тамико совғаларнинг устига «онамга», «адамга», «укамга» деб ёзиб қўйганди. Мамнун ҳолда қизимнинг бошини сийладим. Бир пайт менинг совғам-

#### НОДИРАБЕГИМ таржимаси

нинг орқасида турган яна бир қутига кўзим тушди. Тамико унга «бу-вимга» деб ёзиб қўйганди. Юрагим зириллаб кетди.

## СОВҒА

— Ахир, ҳамма совғасини очгани келадими-ку, тўғрими, оий? — деди у илинж билан. Гап шундаки, унинг бувиси бундан тўрт ҳафта илгари қаза қилганди. Ҳаммадан кўра, бувисини



#### Эндрю ХАНТ



## Афсонанинг қулаши

Минг йил давомида боқий Калифорния дарахти ўсишдан тўхтамади. Узининг беқиёс гўзаллигини атрофга кўз-кўз қилганича ер қимирлаши, ёнгин ҳамда қурғоқчиликларга дош берди. Атрофини ўраб турган тоғларгина ундан кўҳнароқ эди. Минг йил давомида ҳеч

нима унга дахл қила олмади. Ҳеч ким унга қарши уруш эълон қилмаганди. — Бу қанча вақтни олади? — деди бошлиқ. — Икки соат, ундан ортиқ эмас, — деди ўрмончи. — Унда бошла!

# Бўстонда чарақлаган Сайёра

**Вақт — қайта тиклаб бўлмас хазинадир, унинг ҳар бир сониясидан унмилли фойдалана олишимиз шарт. Ундан тўғри ва самарали фойдаланадиган одамлар улкан натижаларни қўлга киритишини тарих бир неча марта исботлаган.**

Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Сайёра Фаизева ана шундай вақтни қадрлаган ва вақт қадрлаган инсонлардан. Сайёра хонининг ҳаёт йўлига назар ташлар эканми, бунинг ерқин исботини кўраемиз.

Бўлажак шифокорни ҳаёт жуда эрта синади: қизалоқ етти ёшида онасидан жудо бўлди! Бу зарбадан қадида букилиб қолган ота қизи учун ўзини қўлга олди. Қизимиз қўли енгил шифокор бўлади, дея ширин энтикан рафиқасининг орзуларини рўёбга чиқаришга бел боғлади.

Сайёра сабр-бардошли бўлишни, машаққатлар-ўтқишларни енгиб ўтишни ёшлигидан ўрганди. Астойдил уриниб, она орзусини ушалтирди: малакали шифокор бўлди. Одамлар қорига яради, ўз ишининг



Мехнат қилган қадр топади. Бўстонлик туманида оқсаб қолган тиббиёт соҳасини кўтариш тақдирини қабул қилган Сайёра Фаизева енг шимариб ишга тушди, бир йил ичида ижобий ўзгаришлар қилишга эришди. Саккиз йилдан бери ҳал бўлмаётган «Сойлик» қишлоқ врачлик пункти 2018 йил август ойида фойдаланишга

топширилди. Уч йил олдин қурилиши тўхтаб қолган марказий касалхонанинг туғруқ бўлими ҳам ўтган йил августдан иш бошлади. «Тез тиббий ёрдам» хизмати такомиллаштирилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, Бурчмулла, Пском каби олис қишлоқларда яшайдиган аҳоли сифати тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Жорий йилда 1974 йилда қурилган марказий касалхона капитал таъмирдан чиқарилади. Туманининг Олғабос ҳудудида ҳам тиббий хизмат такомиллаштирилади. Иш қизгин, Сайёра Фаизева билан бафуржа гаплашиш имконсиз. Имкон топилганда ҳам у майин табассум билан: «Қилинаётган ишларни овоза қилиш шартмикин», дейди. Ватан ва халқ равнақи йўлида жон куйдираётган бундай фидойиларни элга танитиш керак. Улардан ҳар қанча ўрнак олам, арзийди.

**Асад АСИЛ, ёзувчи**

**МУАССИС:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**  
**Ҳусан ЭРМАТОВ**

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz** сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

**Манзилими:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Тахририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андижон — (+998-99) 889-90-23  
Жиззах — (+998-99) 889-90-25  
Наманган — (+998-99) 889-90-28  
Навоий — (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
Т. Шернаев  
**Навбатчи:**  
А. Абдулфайёв  
**Мусаҳҳиб:**  
С. Шодиева  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалолов

ЎЗА яқини — **22:00**  
Тошхирлиди — **23:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Г — **117**. **28103** нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6